БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 16 октябрь
Сешанба
№ 197 (13.633).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

БЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ III ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

12—13 октябрда БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг III пленуми бўлиб ўтди. Унинг кун тартибига «Мамлакатда юзага келган вазият ва БЛКЁИдаги аҳволни ҳисобга олиш билан БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг амалий ҳаракатлари тўғрисида» ва «Ёшларнинг оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги масалалар киритилди.

БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби В. Зюкин ва БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг котиби А. Алейников ахборот бердилар.

Асосий масалаларни муҳокама қилиш давомида БЛКЁИ Марказий Қўмитаси котиби А. Шароновнинг «Ёшларнинг ижтимоий хизматини ташкил этиш тўғрисида», БЛКЁИ Марказий Қўмитаси ишлар бошқармаси молиявий-иқтисод бўлими мудири Ю. Шуниннинг «БЛКЁИ моддий ва молиявий базасидан фойдаланишнинг янги принциплари тўғрисида», «Спутник» халқаро ёшлар сайру-саёҳат бюросининг раиси А. Хохловнинг «Спутник» халқаро ёшлар сайру-саёҳат бюросини акционерлик концернига айлантириш тўғрисида», «Комсомольская правда» рўзномасининг бош муҳаррири В. Фрониннинг «Комсомольская правда» рўзномасининг Устави ва ҳаракатномаси тўғрисида» ахборотлари тингланди.

Кечқурун пленум қатнашчилари Сиёсий бюро аъзоси, КПСС Марказий Қўмитаси Бош котибининг ўринбосари В. А. Ивашко, шунингдек, Сиёсий бюро аъзолари, КПСС Марказий Қўмитаси котиблари А. С. Дзасохов, Г. В. Семенова, КПСС Марказий Қўмитасининг котиби В. А. Купцов билан учрашдилар.

* * *

13 октябрда БЛКЁИ Марказий Қўмитаси III пленуми ўз ишини давом эттирди. Доимий комиссиялар ва кенгашлар иш бошлаши арафасида ишлаб чиққан қарорларнинг лойиҳалари муҳокама этилди.

Пленум «Ёшлар оммавий ахборот воситалари тўғрисида» резолюция ва «Комсомольская правда» рўзномаси таҳририятининг Уставини асосан тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди. «Комсомольская правда»ни таъсис этувчилар БЛКЁИ Марказий Қўмитаси тимсолида БЛКЁИ ва «Комсомольская правда» рўзномаси таҳририяти меҳнат жамоаси бўлди.

«БЛКЁИ моддий ва молиявий базасидан фойдаланишнинг янги принциплари тўғрисида» ва «Мамлакатда юзага келган вазият ва БЛКЁИдаги аҳволни ҳисобга олиш билан БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг амалий ҳаракатлари тўғрисида» қарорлар қабул қилинди. Пленум БЛКЁИ XXII съездини 1991 йил баҳорида чақиришни лозим топди.

Пленум БЛКЁИ Марказий Қўмитаси Бюросининг янги аъзоларини сайлади. С. Смирнова ўрнига аввал БЛКЁИ Москва шаҳар конференциясининг раиси, БЛКЁИ Москва шаҳар қўмитасининг биринчи котиби бўлиб ишлаган В. Копьев БЛКЁИ Марказий Қўмитасининг иккинчи котиби этиб сайланди.

Шу билан пленум ўз ишини якунлади.

БЛКЁИ МНК ПЛЕНУМИ

10 октябрда БЛКЁИ Марказий Назорат Комиссиясининг II пленуми бўлиб ўтди. Пленум БЛКЁИ Марказий Назорат Комиссияси Бюросининг БЛКЁИ Марказий Назорат Комиссияси I пленумидан кейинги даврдаги иши тўғрисидаги ҳисоботини, БЛКЁИ XXI съезди номига келган хатлар, шикоятлар, аризалар билан БЛКЁИ Марказий Қўмитаси бўлимларида ва бўлинмаларида ишлашни текшириб кўриш натижалари, БЛКЁИ Марказий Қўмитасига хизмат қилувчи автотранспортдан фойдаланишни текшириб кўриш натижаларини кўриб чиқди. Мазкур масала юзасидан БЛКЁИ Марказий Назорат Комиссияси раиси В. Парфенов сўзга чиқди. Пленум тегишли қарор қабул қилди.

Пленум БЛКЁИ Марказий Назорат Комиссияси аъзосининг Мақомини, БЛКЁИ Марказий Назорат Комиссияси доимий комиссияларнинг иш юритиш тартиби ва Низомни, унинг тузилиши ва штатларини тасдиқлади.

Пленум БЛКЁИ Марказий Назорат Комиссияси таркибига ўзгартиришлар киритди.

БЛКЁИ Марказий Назорат Комиссияси доимий комиссияларининг мажлиси бўлиб ўтди. Ана шу мажлисларда БЛКЁИ ҳаракатномавий мақсадлари ва Уставига БЛКЁИ Марказий Қўмитаси III пленуми материаллари мос келишги тўғрисида БЛКЁИ Марказий Назорат Комиссиясининг хулосаси ишлаб чиқилди.

СЪЕЗД МИНБАРИГА

ТАКЛИФЛАР ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ҚОЛМАСИН

Мен ҳам Ўзбекистон ЛКЁИ Устави лойиҳасига баъзи бир таклиф ва мулоҳазаларимни билдирмоқчиман.

Устав лойиҳасининг биринчи қисми 1-моддасида комсомолга 15 ёшдан — 28 ёшгача эмас, балки 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон фуқароси қабул қилиниши лозим деб ўйлайман. Шунингдек, «ўттиз ёшга тўлгандан кейин комсомол аъзоси ўз аризасига мувофиқ хоҳлаган муддатга аъзоликни узайтириши мумкин», — деган қўшимчани таклиф қиламан. Чунки агар кашшоф аъзоси 14 ёшдан кашшофлик сафидан чиқадиган бўлса, у 14 ёшдан кейин ҳеч қандай жамоат ташкилотига тортилмай қолади. Бу эса унинг таълим-тарбиясига ҳам, фаоллигини оширишга ҳам салбий таъсир кўрсатиши аён. Иккинчи томондан, ҳар бир йигит-қиз 28 ёшда комсомол ишини яхши ўрганиб, фаол жамоатчи бўлган фаслидир. Шунинг учун ҳар бир ёшнинг ўттиз ёшгача комсомолда бўлиши лозим, деб ўйлайман.


Бундан ташқари лойиҳанинг биринчи қисми 7-моддасида: «...Йиғилишда қатнашаётган ЛКЁИ аъзоларининг камида учдан икки қисми уни ёқлаб овоз берган тақдирдагина қарор қабул қилинган деб ҳисобланади», — дейилган. Менинг таклифим: «...Йиғилишда қатнашаётган ЛКЁИ аъзоларининг камида ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган тақдирдагина қарор қабул қилинган деб ҳисобланади», — деб ўзгартирилиши зарур.

Биринчи қисмнинг 4-моддасида комсомол аъзолигига қабул қилиш йиғилишда қатнашаётганларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берса, қабул қилиниши кўрсатилган. Комсомолга қабул қилиш йиғилишда иштирок этаётганларнинг ярмидан кўпи, уни комсомолдан чиқаришда эса, учдан икки қисми ёқлаб овоз берса, қарор қабул қилинган деб ҳисобланиши тенгсизликни келтириб чиқаради-ку.

Р. ҲАСАНОВ,
Бухоро вилоят Пешку ноҳия комсомол қўмитаси котиби.

МАРРАГА ЕТДИ ҚЎШАЛОҚ КАРВОН!

Сурхондарёликлар ва бухороликлар йиллик пахта тайёрлаш режасини бажардилар



Хирмонлар шундай яратилади...

Суратчи В. МОЛГАЧЕВ.

Кремлда учрашув

13 октябрь куни СССР Президенти М. С. Горбачев иттифоқдош жумҳуриятларнинг раҳбарлари билан учрашди. Учрашувда Россия федерацияси, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Озарбайжон, Молдова, Қирғизистон, Тожикистон, Арманистон, Туркманистон вакиллари қатнашдилар.

Учрашув чоғида мамлакатда юзага келган аҳвол тўғрисида, жамият барча қатламларини жипслаштириш зарурлиги, бозор муносабатларига ўтиш йўлида халқ хўжалигини барқарорлаштириш хусусида муфассал фикрлашиб олинди. Жумҳуриятлар ва минтақалар фаолиятини мувофиқлаштириш, юзага келган вазиятни нормаллаштириш, истеъмол бозоридаги салбий жараёнларнинг олдини олиш, пул-молия системасини мустаҳкамлаш мақсадида корхоналар ўртасидаги хўжалик алоқаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Шу маънода 1991 йил иттифоқ бюджети ва Иттифоқдош жумҳуриятлар бюджетлари устидаги ишларга алоҳида аҳамият берилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Учрашув қатнашчилари халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозорга ўтиш дастурларининг лойиҳаларини муҳокама қилдилар. Улар тақдим этилган дастурнинг асосий йўналишини умуман қувватлаб анчагина фикр-мулоҳазалари ва таклифларини ҳам айтдилар.

Учрашув қатнашчилари ҳар томонлама мунозаралар натижасида иттифоқ даражасида, Олий Кенгаш доирасида бозорга ўтишнинг асосий йўналишларини қабул қилиш керак бўлади, деган якдил фикрга келдилар, уни рўёбга чиқариш чоғида, асосий йўналишлар ССР Иттифоқи ҳокимият идоралари, ҳар бир иттифоқдош ва мухтор жумҳурият, тегишли минтақалар идоралари томонидан аниқлаштирилади.

Ана шу келишиб олинган мулоҳазалар ҳисобга олиниб, тўлиқ ишлаб чиқилган ҳужжат СССР Олий Кенгаши, унинг қўмиталари ва палаталарининг доимий комиссиялари муҳокамасига қўйилади.

Учрашувда сўзга чиққан кишиларнинг якдил фикрига қараганда, мамлакатдаги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш, бозорга ўтишни таъминлаш ниҳоятда зарурлиги ҳокимият вакиллик ва ижроия идоралари барча бўғинларини қатъиян мустаҳкамлашни, СССР Президенти ҳузуридаги федерация кенгаши мавқеини оширишни қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш юзасидан тезкорлик билан чоралар кўришни талаб этади.

Буларнинг ҳаммаси охир оқибатда бозорга ўтиш босқичида ягона иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишга доир барча принципиал масалаларни тезда келишиб олишни таъминлаши лозим. Бунда жумҳуриятларнинг самарали бозор иқтисодиётига ўтишнинг аниқ-равшан йўлларини ва уни рўёбга чиқариш шаклларини танлаб олишдаги катта мустақиллиги сақланиши даркор.

Учрашувда СССР Олий Кенгашининг Раиси А. И. Лукьянов, СССР Вазирлар Кенгашининг Раиси Н. И. Рижков, РСФСР Вазирлар Кенгашининг Раиси И. С. Силаев, халқ депутатлари Москва ва Ленинград кенгашларининг раислари, иқтисодий ислоҳот муаммоларини ишлаб чиқишга алоқадор бир гуруҳ олимлар ва мутахассислар қатнашдилар.

(СИТА).

Шу сонгга хабар

«Меҳр-мурувват» сафари ниҳоясига етди

Жумҳурият Ленинчи Коммунистик Ёшлар Иттифоқининг «Ўзбекистон комсомоли» ташвиқот карвони Фарғона водийси шаҳарлари бўйлаб қилган «Меҳр-мурувват» сафарини Наманганда ниҳоясига етказди. Сафар қатнашчилари болалар уйларида, ихтисослаштирилган интернат уйларда тарбияланаётган болалар ҳузурига боришди.

Болалар ҳаваскорлик ижодий жамоалари қатнашчиларини алоҳида сабрсизлик билан кутишди. Ангрендан «Юность» намунали кўргазмали халқ болалар цирки, Тошкентдан «Колесо» қўғирчоқ театр студияси наманганлик кичкинтойлар ҳузурига ташриф буюришди.

Ташвиқот карвонининг қатнашчилари Уйчидаги сколиоз билан оғриган бемор болаларнинг ихтисослаштирилган интернат уйида ҳам бўлишди. Улар Чустдаги ихтисослаштирилган интернат уйида ҳам болалар билан учрашдилар.

Ҳар бир учрашув болаларга ёрдам кўрсатиш тадбирлари билан якунланди. Чунончи, 26-болалар уйига Тошкентнинг «Сабантўй» фольклор дастасидан тушган минг сўм, бир марта фойдаланиладиган шприцлар топширилди. Пулларни келаси йилдан мустақил ҳаётга қадам қўядиган болаларнинг жамғарма дафтарчаларига ўтказишга қарор қилинди.

«Ўзбекистон комсомоли» ташвиқот карвонининг вилоятда бўлиши якунларини чиқаришда меҳмонларнинг ҳам, наманганликларнинг ҳам фикр-ўйлари ва истаклари кўп жиҳатдан бир-бирига монанд келди. Энг асосийси улар бундай меҳр-мурувват тадбирлари доимий тусда бўлиши керак, деган фикрни билдирдилар. Чунки болалар ҳамиша ёрдамга муҳтож. Буни биз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.

Н. ХЎЖАЕВА,
ЎзТАГ мухбири.

Оналар Э. А. Шеварднадзе ҳузурида

13 октябрь куни СССР Ташқи ишлар вазири Э. А. Шеварднадзе Афғонистонда бедарак йўқолган совет ҳарбий хизматчиларининг бир гуруҳ оналари билан учрашди. Э. А. Шеварднадзе уларнинг илтимосига кўра, СССР Ташқи ишлар вазирлиги орқали бошқа совет идоралари ва ташкилотлари билан ҳамжиҳатликда Афғонистондаги ҳарбий асирларимизни қидириш ва озод қилиш юзасидан олиб борилаётган кўп томонлама ишлар тўғрисида сўзлаб берди.

Шу муносабат билан биз тутқунликда қолган совет кишиларини Ватанга қайтаришни тезлаштириш учун дипломатия йўли билан барча мавжуд имкониятлардан фойдаланаётганлигимиз таъкидланди. Бунда, хусусан, турли мамлакатларнинг раҳбарлари, биринчи галда афғон оппозициясига тегишли даражада таъсир ўтказиши мумкин бўлган ёки ҳудудида эҳтимол собиқ совет ҳарбий хизматчилари бўлган мамлакатларнинг раҳбарлари билан учрашувлар тўғрисида гап бормоқда. Бу ишга турли халқаро ташкилотлар, жумладан БМТ, таниқли жамоат ва сиёсат арбоблари ҳам жалб этилди. Мужоҳиддинлар билан ҳам бевосита мулоқотлар олиб борилмоқда. Афғонистон жумҳурияти ҳукумати, президент Нажибулло ана шу инсонпарварлик ишида катта ёрдам бермоқда.

Батафсил суҳбат чоғида Афғонистондаги совет ҳарбий асирларини қутқаришга оид ишларнинг шакл ва усулларини кенгайтиришнинг мавжуд имкониятлари муҳокама қилинди.

Э. А. Шеварднадзе ҳарбий асирларнинг қариндошларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилди ва СССР Ташқи ишлар вазирлиги бундан буён ҳам ҳарбий асирлар муаммосини ҳал этишни жадаллаштириш учун бутун куч-ғайратини сарфлайди, деб ваъда берди.

(СИТА).

Мавзуга қайтиб

БИРГАЛИКДА БУНЁД ЭТИЛГАН...

Ўз мулоҳазаларимни ёзишга жазм қилгунга қадар мени зиддиятли ҳислар чулғаб олди. Бир томондан бунга нотекис, бир қанча босқичлардан таркиб топган йўлни босиб ўтган, ўз эътиқоди учун лагерь, сургун заҳматларини чеккан Солженициннинг жаҳон адабиётида тутган ўрни сабаб, албатта. Табиийки, Нобель мукофоти соҳибининг ҳар қандай асари катта қизиқиш билан кутиб олинади. Александр Исаевичнинг асарлари мамлакатимиз ва чет эллардаги кенг китобхонлар оммасига яхши маълум.

Эҳтимолки, гапни саволдан бошлаш тўғридир. Яқин-яқингача қозоқ миллатчилиги тамғаси босилган халқнинг (куни кеча КПСС Марказий Қўмитасида бу тамға бекор қилинди) миллий манфаатдорлиги борми? Шак-шубҳасиз, бор. Бу халқ позициясида кўринади — бир халқнинг саодатини бошқа халқ ҳисобига қуриб бўлмайди. Ақлдан озишдир, бу. Шу билан гапимга якун ясасам ҳам бўларди, бироқ айрим нарсаларга ойдинлик киритмай иложим йўқ.

Муаллифнинг таклифига қараганда, ССЖ Иттифоқидан 12 та жумҳурият чиқиб кетади ва унинг таркибида фақат буюк, кичкина ва оқ Русь қолади. Бировларнинг ишига аралашиш яхши эмас Мени «йилда бир марта кўчманчи подалар» ўтган жойда гўё «коммунистларнинг ақлсизлиги» туфайли туғилган Қозоғистонга бўлган муносабат ранжитди. Чамаси бу ерда биз яна ғайритабаа халқлар (Чор Россиясида руслардан бўлак халқларга, хусусан шарқ халқларига берилган ном) иккинчи даражали кишилар ҳисобланган «яхлит ва ажралмас» юртни соғиниб қолган «империяча фикрлаш»нинг навбатдаги намоён бўлишига дуч келиб турибмиз. Ахир қачондан бери жанубий Уралбўйи, жанубий Сибирь ва Қозоғистоннинг марказий кенгликлари азалий рус ерлари бўлиб қолди? Қарангки, у «руслар, маҳбуслар ва сургун қилинган халқлар туфайли қиёфасини ўзгартирган, қайта бунёд этилган» эмиш.

Дашт ўлкаларнинг мустамлака қилиниши қозоқларга қимматга тушди, чунки жамоалаштириш келтирган азоб-уқубатлардан ташқари «ўтроқлаштириш» деб аталмиш тарзда яшашга ўтиш натижасида аҳоли 4 миллионга яқин кишисидан ажралди. Шундан кейин ёзувчи Кенгир исёни чоғида ҳар қалай омон қолиб, сўнг Жамбул вилоятидаги Кўктеракда яшаган, ва чамаси, маҳаллий халқларга нисбатан озми-кўпми илиқ ҳис туйишга асоси бўлишига қарамай, ўзини бағоят ақлли ҳисоблабми сира иккиланмай, «пуфлаб кенгайтирилган бутун Қозоғистон» учун бу ер кўплик қилади, деган фикрни айтади.

Шундан сўнг маҳаллий аҳоли ҳиссасига... дарҳақиқат аҳолисининг кўпчилигини қозоқлар ташкил қилган «вилоятларнинг жанубий ёйи» хатлаб берилади. «Агар улар ана шулар билан қаноатланмоқчи экан, худо хайрларини берсин»?!

Россия империяси 1897 йилда ўтказган аҳолини рўйхатга олиш натижаларига кўра, қозоқлар ҳозирги Қозоғистон ССЖ ҳудудида аҳолининг 80 фоизидан кўпроғини ташкил қилганлигини тарих тасдиқлайди. Бироқ 1959 йилга келиб, маҳаллий аҳолининг ҳиссаси Павлодар уездида 90 фоиздан 26 фоизга, Кўкчетовда 51 фоиздан 19 фоизга, Петропавловскда 47 фоиздан 13 фоизга, Кустанайда 78 фоиздан 19 фоизга қадар тушиб қолди. Солженицин ёзишни жуда яхши кўрадиган «Столипин» деб аталмиш вагон биринчи марта кўп миллионли рус деҳқонларини Шимолий Қозоғистонга ташиб келтириш учун фойдаланилган эди, Ўша вақтларда Урал, Сибирь таркибидаги «аччиқ чизиқ» деб ном олган ерларни зўр бериб ўзлаштириш бошланганди. Сўнгра эса, Семиреченск казак қўшинлари келтирилди.

Қозоқ халқининг ҳақиқий фожиасини қозоғистонлик ёзувчи Валерий Михайлов ўзининг яқинда чоп этилган «Буюк жут хроникаси» китобида яхши тасвирлаб берган. Совет ҳокимияти йилларига келиб, зўрлаб жамоалаштириш натижасида қозоқларнинг ярмидан кўпроғи очлик ва ўлатдан қирилиб кетганлиги тасвирланади, китобда.

Шу жиҳатдан Н. С. Хрушчевнинг иқрори айниқса, диққатга молик. У шундай деган эди: «Агар шоҳ усулларини қўллаб, подшоҳ бу минтақани узоқ вақт одамлар билан тўлдиролмаган бўлса, биз шўро усулларини қўллаб, бунга эришдик. («Казахстанская правда», 21.09.63 й).

Столипинча аҳолини кўчиришлар, фуқаролар уруши, жамоалаштириш, ўтроқлаштириш, меҳнат армияси, чўлни ўзлаштириш ва ҳоказолар туб аҳолининг камайишига олиб келди. У бунинг учун айбдорми? Бундай бўлмаса керак, ҳар қалай. Ёзувчи ёзади: «Ушбу 12 ни ҳисобдан чиқариб бошланса, Русь деб аташ мумкин бўлган жойларгина қолади». Борингки, шундай ҳам бўлсин. Аммо бу миллатлараро муносабатларда мислсиз портлашга олиб келади.

Муаллиф нималар деб айтмасин, Шўролар ҳокимиятининг оғир фожиавий йиллари шўро халқларини жипслаштирди. Ўйлайманки, 29 нафар қозоғистонлик панфиловчи бошқалар билан биргаликда Москвани ҳимоя қилгани беҳудага эмас эди. Дарвоқе, 1812 йилги Ватан урушида соф қозоқ полки ҳам иштирок этгани сизга маълум бўлиши керак. Биргаликда бунёд этилган нарсаларни бугун на санаб, на устидан чизиқ тортиб бўлади. «Совет халқи» ибораси, бу қоришиб кетиш уқаланиб кетиш, миллатларнинг қўшилиб кетиши деган маънони эмас, зарурат тақозосига кўра ҳар бир халқнинг ва ҳамманинг биргаликда маънавий ҳамда иқтисодий қайта туғилиши, шу мамлакатдаги ҳар бир халқнинг манфаатларини ифодалайди, деган маънони англатади.

Машҳур рус файласуфи Владимир Соловьевнинг сўзларини эслайман. У «Ўз-ўзини англашми ёки мағрурлик?» асарида шундай деб ёзганди: «Бошқача ҳолатларда ўзининг фалсафий фикрлай олишини шак-шубҳасиз исботлай олган ёзувчи бу ерда гўё бир томондан миллий ўз-ўзини англаш, иккинчи томондан, миллий ўз-ўзини севиш ва мағрурлик ўртасидаги мавжуд тафовут унга унчалик тушунарсиз каби фикр юритади».

Россияни бошқа халқлар манфаатлари ҳисобига қайта тиклаш мумкин эмас.

И. ТАСМАГАМБЕТОВ,
Қозоғистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси биринчи котиби.

(«Комсомольская правда» рўзномаси, 1990 йил 9 октябрь)

БИР СОНИЯЛИК ОЖИЗЛИКМИ, Ё...

ҚОЧОҚЛАР... Зил-замбилдай оғир бу сўзни такрорлаш, айрим йигитлар пешонасига ёрлиқдай ёпиштириш қанчалар аламли, аччиқ. Аммо бор гап. Вилоятлардаги ҳарбий комиссариатларда кунора «қочоқ» аскарлар номи қайд этилаётир. Уларни излаб олис ўлкалардан сипоҳилар келишмоқда. Ташвиш ва ҳадик ила ўтаётган кунлар... Ота-оналарнинг изтироблари...

Нега шундай бўлаяпти? «Ой бориб, омон қайтгин» дея билдирилган ширин тилакларнинг умри тинчлик замонида нега қисқа? Айрим йигитларимиз баъзилар таъкидлаганидек: улар ёшликдан енгил ҳаёт кечириб, ҳарбий ҳаёт машаққатларига кўника олишмаяптими ёки аксинча сипоҳилар таъбири бўйича: «йигитлар нимжон, русча сўзлашувга нўноқ»милар? Сўнгсиз саволларга жавоб топишга уринманг, барибир қалбингизни дард қийнайди.

Андижон шаҳрида яшовчи қария Ўрмонжон Алихонов кутилмаган учрашувдан лол бўлиб қолди. Не кўз билан кўрсинки, дарвозаси олдида аскар ўғли Дилмурод турарди. Юраги алланимани сезди-ю, секин атрофга ҳадик ила қараб олди. Ахир унинг хизмат муддати тугашига ҳали вақт бор. Қолаверса, яқинда ўғли хизмат қилаётган қисмда бўлиб қайтганди-да.

«Қочиб келдимикан-а?» Ота хаёлидан яшин тезлигида ана шу сўз ўтди. Аллақандай аччиқ бир нарса томоғига тиқилди. Кейин ўғлини бағрига босди...

Дилмурод Алихонов тақдир тақозосига кўра ҳарбий бурчни ўташ учун Бурятиядаги қурилиш қисмига тушди. 1981 йилда унинг қўли синган, вақтлар ўтган бўлса-да, унинг асорати йўқолмаган. Хизматга чақиришганда у «дард»ни ҳарбий комиссариатнинг тиббий кўрик комиссияси аъзоларига айтди. Аммо уни қурилиш отрядига яроқли деб топдилар. Нима бўпти? Ўтган йили кузда мамлакатнинг энг совуқ жойларидан бири — Бурятияга бориб тушди.

Иссиқ ўлкада яшаган йигитнинг совуққа мослашуви қийин кечди. Боз устига суякнинг синиқ жойи азоб бера бошлади. Қўли, оёқлари шишиб кетди. Орадан бирмунча вақт ўтгач у синган қўлини қимирлата олмай қолди. **«Ўзимдаги ўзгаришлар ҳақида қисм санитария-медицина бўлими бошлиғи В. Фоминга айтдим. У мени енгил-елпи тиббий кўрикдан ўтказди-да «чидаш керак» деди-ю, чиқариб юборди».**

(Д. Алихоновнинг тушунтириш хатидан)

Йигит ўзининг ночор аҳволи ҳақида командирига, бошқа сипоҳиларга айтди. Бироқ, улар лоқайдлик қилишди. «Дед»лар эса уни ҳатто айёрга чиқариб олишди.

Йигит тишини-тишига қўйиб чидади. «Ҳаммаси ўтиб кетади» деб ўйлади. Аммо бўлмади. Аҳволи тобора оғирлашиб борарди. Шундан сўнг у ота-онасига телеграмма юборди.

Ўрмонжон ака ҳарбий қисмга келиб ўғлининг юпун кийиниб дард чекиб юрганини кўргач фиғони фалакка чиқди.

— Мардикор ишлатсанг ҳам «ҳолинг не?» деб сўрайдилар, — жаҳлини тўкиб солди у сипоҳиларга. — Йигитнинг ранги-рўйини қаранглар.

Дилмуродга иссиқ кийим-бош берилди. Кейин даволаш учун госпиталга ётқизишди. Ота ўғлига насиҳат қилди, сабр-тоқатли бўлишни тилади...

Дилмурод бир ярим ой деганда госпиталдан даволаниб чиқди. Лекин у тўла соғайиб кетмади. Шундай бўлсада яна қурилишга, ўғлининг ҳарратовида тер тўкиб ишлади. Аммо яна унга дард илашди: қулоғини совуққа олдирди. Кейинроқ геймаррид касаллигига чалинди.

«Энг ёмони, бир-икки ёшга катта аскарлар сизнинг ночор аҳволингизни кўра била туриб устингиздан кулишади. Кечалари уйқудан уйғотиб пол ювдиришади. Бўлмағур сўзлар билан сўкишади. Оғир ишларни бажаришга мажбур қиладилар. Сипоҳиларга айтсангиз «дед»лар шундай баҳоналар топиб қўйишадики, оқибатда ўзингиз айбдор бўлиб қолаверасиз.»

Дилмурод ноҳақликка чидай олмади...

Исмоилжон Аҳмедов Дилмурод билан бир қисмда хизмат қиларди. Бедодлик унинг ҳам бошига тушди.

— Бизни «қийинчиликларга чидай олмадингиз» деб айблашмоқда, — деди у биз билан суҳбатда. — Майли шундай ҳам дейлик. Лекин бир нарсага тушунишингларни истардим. Тинчлик замонида ўзга юртда азоб чекишнинг нима кераги бор. Ҳақсизлик, камситишларни бошдан кечирганлар озми? Ҳуқуқий давлатни барпо қилаётган бир вақтда ноҳақлик қачонгача давом этади?

Дилмурод ҳам, Исмоилжон ҳам «қочоқ» номини олишди. Шу йилнинг дастлабки уч ойида Андижон вилоятидан бир неча йигит ҳарбий хизматдан қочиб келди. Ҳаммасининг дарди, ташвиши бир. Йигитларни биргина нимжонлиги ёки рус тилини яхши билмаслигида айблаб бўлмайди. Иллатнинг боши турғунлик йилларида Совет Армиясида юзага келган зўравонлик, лоқайдлик, ўзаро муносабатларга бефарқликдадир.

Қочоқларни излаб бўлинма командири, катта лейтенант Олег Николаевич Маслов Андижон вилоятига келди. Имкон топиб у билан гаплашдик ҳам.

— Олег Николаевич аскарлар билан суҳбатлашсангиз қисмда зўравонлик давом этаётганлигини таъкидлашмоқда. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

— Бир нима дейиш қийин. Биз иложи борича «дедовщина»га қарши курашяпмиз. Уни бутунлай йўқотиб бўлмайди. Ахир у йиллар мобайнида армиямизда маъжуд бўлиб келган.

— Аскарларни фақат аскарлар эмас, сипоҳийларнинг ҳам хўрлаш ҳоллари юз бермоқда. Энг аввало бу ҳарбий тузукларга зид кўриниш, виждонни йўқотиш эмасми?

— Эътирозларингиз тўғри. Беш панжа бир хил эмас. Яқинда бўлим командири Портянкин олдим аскарни урганлигини аниқладик. Уни «зобит виждони» судида муҳокама қилиб ва лавозимидан пасайтирдик. Ҳозир Портянкинни ҳарбий хизматдан умуман четлатиш масаласи кўрилаяпти.

— Маълум бўлишича, қисмда муқаддам судланган йигитлар ҳам хизмат қилишаётган экан. Уни қандай изоҳлайсиз?

— Бизнинг қисмимизда бундай йигитлар бор. Лекин улар унчалик хавфли эмас. Айтмоқчиманки, қисмларга ашаддий жиноятчилар эмас, арзимас айблар билан жазоланганлар келиб қолган.

— Дилмурод Алихонов сизга қўли, оёқлари шишиб кетганлигини айтиб бир неча бор мурожаат қилган экан. Нега бепарволик қилдингиз?

— Ҳарбий хизматда «енгил ҳаёт»ни истагувчилар жуда кўп найрангларни ўйлаб топишади. Иккиламчи менинг вазифам аскар касал бўлса, санитария-медицина қисмига юбориш. Уни «соғлом» дейишса, ишлатишим керак.

Қочоқлар сипоҳи етакчилигида яна ҳарбий қисмга қайтишди. Маълум бўлишича, қурилиш отрядидан фақатгина ўзбеклар эмас, рус, тожик миллатига мансуб йигитлар ҳам қочишган экан. Шубҳасиз, ҳарбий қисмдан қочиш қурилиш отрядларида ҳукм сураётган муҳитга қарши ўзига хос норозилик аломатидир.

Сочларига оқ оралаган, юз-кўзларига ғам, ташвиш соя солиб турган Олтинкўл ноҳиясидаги Маслаҳат қишлоқ шўроси ҳудудида яшовчи қирқ ёшдан эндигина ўтган Мамашариф Назаровни аскар ўғли Икромжоннинг ташвиши, дарди роса ўйлантириб қўйди. На юришида, на уйқусида ҳаловат бор.

Ўтган йилнинг кузги чақирувида Икромжон Назаров қурилиш отрядига тушди. У қурилиш қисмида бўлишни истамаганди, аммо наилож, пешонасида бор экан. Қиладиган машғулоти тенгдошлари қатори темир-бетон буюмлари заводида ишлаш. Тўғри, иш оғир. Аммо қисмда ҳукм сураётган инсон тақдирига лоқайдлик ҳаммасидан ошиб тушди. Орадан кўп ўтмай кўричак касалига йўлиқди.

«Касалимни санчастдагиларга айтсам, ишонишмади. Кейин қисм яқинидаги фуқаролар поликлиникасига учрадим. Улар зудлик билан даволанишимни айтишди. Қисмга қайтаётганимда ҳарбий патруллар ушлаб олди. «Ҳарбий қоидаларга риоя қилмадинг», деб айб қўймоқчи эдилар, бўлмади. Оғриқ кучайиб кетди. Сўнг ўзи ҳарбий госпиталга олиб боришди. У ерда эса операция столига ётқиздилар».

(И. Назаровнинг тушунтириш хатидан).

Ишончсизлик ёмон. Тўғриси, хизматга энди келган йигитларимизга ҳарбийда ҳамиша ҳам ишонч билан қарашмайди чоғи. Касалини айтса, бемордан шубҳаланишини қандай изоҳлаш керак?

Операциядан сўнг фарзанди олдига Мамашариф Назаров етиб борди. Ўғли билан суҳбатлашиб унга насиҳат қилди.

Ҳарбий госпиталда даволаниб чиққан Икромжонга оғир юк кўтариши мумкин эмасди. Аммо қисмда турли юмушларни бажаришга мажбур бўлди. Оқибатда операция қилинган жой ёрилди. Яна операция. Орадан кўп ўтмай худди шундай ҳол қайта такрорланди. Сўнг Икромжон қисмдан қочди...

Мамашариф ҳақиқат излаб ҳарбий прокуратурага мурожаат этди. Масалани ойдинлаштириб, айбдорларни жазолаб беришни сўраяпти. Қолаверса, унинг ўғли миллатчилик оқибатида эмас, зўравонлик туфайли азият чекаяпти-ку! Ахир хизмат қилаётган қисмдаги йигитларнинг асосий қисми ўзбеклар эди.

Андижон вилоятидаги Избоскан ноҳиясининг Тўрткўл қишлоғида яшовчи Б. Йўлдошев ота-онасига ҳарбий қисмдан тезроқ чақириб олишларини сўраб кетма-кет телеграмма юборди. Тўғри, Бахтиёр қисмдан қочиб келмади. Аммо у она юртига келганда жиддий жароҳат олган, зудлик билан даъволаниши керак эди...

Аксарият холларда аскарлар бошлиқлар руҳсатисиз ҳарбий қисмларни тарк этаяптилар. Тан олиш керак, ҳарбий қисмларда юз бераётган низолар, унинг келиб чиқишларини кўпгина ҳолларда биз хаспўшлашга ҳаракат қилаяпмиз. Аммо унинг туб илдизларини обдон ўрганмоқ лозим. Жумҳурият Олий Кенгашининг олдинги сессиясида ҳарбий мажбурият ҳақида масаланинг кун тартибига қўйилганлиги бу борадаги ғоят муҳим қадам бўлди. (Куни кеча бу масала ҳал қилинди, энди ўзбекистонликлар қурилиш қисмларидаги хизматини ўз еримизда ўтайдилар). Ахир, биргина Андижон вилоятидан ўтган йилнинг ўзида кўплаб йигитлар ҳарбий қисмлардан қочиб келдилар.

Бемақсад уруш — Афғонистон жароҳати ҳали битмай туриб янги янги жароҳатлар пайдо бўлаяпти. Оналар зор-зор йиғлаяпти. Улар кўз қорачиғидек асраб ўстирган ўғилларини олис ўлкалардан соғ қайтишларини, ой бориб, омон келишларини истайдилар. Ахир осуда кунларимизда аскарларнинг армия хизматидан ногирон, нобуд бўлиб келишларининг ўзи даҳшат эмасми?

НОХУШ МАНЗАРАЛАР, ҳарбий қисмдан қочиш ҳоллари асосан қурилиш отрядларида содир бўлмоқда. Аввалaмбор ҳарбий қурувчилар ҳукумат учун энг арзон ишчи кучи. Шундай экан қурилиш отрядига кўнгилли равишда ёллаш, меҳнатига яраша иш ҳақи тўлаш тартибига ўтказиш лозим. Шунда балки қочоқлар сони камайган бўлармиди?

Т. СИДДИҚОВ,
Андижон вилояти «Коммунист» рўзномаси мухбири.

Ф. ШОДМОН,
«Ёш ленинчи» мухбири.

Иттифоқ бўйлаб



МОСКВА. Бир ойлик таътилдан сўнгги дастлабки кунларда Москванинг «Дукат» тамаки фабрикаси бир кеча-кундузда сигарета ва папирос ишлаб чиқариш ҳажмини режадаги белгиланган миқдорга етказишга эришди. Ҳозир асбоб-ускуналар тўхтовсиз ишлаб турибди. Фабрика ишидаги танаффус вақтида созловчилар тер тўкиб меҳнат қилдилар. Бироқ ишлатилаверганидан эскириб кетган жиҳозлар яна қанча иш беради? Ахир 5-6 йил ичида хориж ускуналари учун бирорта эҳтиёт қисм келтирилмаган-да!

Пойтахтдаги тамаки билан боғлиқ аҳволни тезроқ мўътадиллаштириш мақсадида фабрика жамоаси олти кунлик иш режимига ўтмоқда.

СУРАТДА: фабрика ёш ишчиси Светлана Маслюк.

* * *

ЯРОСЛАВЛЬ. Шаҳардаги пойафзал дўконларидан бирига эрта тонгданоқ «Модус вивенди» тамғаси босилган юк келтирилди. Уни туширишни сал илгарироқ хабардор қилинган харидорларнинг минг кишилик навбати назорат қилиб турди.

Тақчил молларни соат 16.00 дан бошлаб сотиш ҳақидаги Ярославль шаҳар ижроқўми чиқарган қарорга мувофиқ эмас, балки шу заҳотиёқ сотишга тўғри келди. Завод-фабрикалар ишчилари бу ўзига хос сайлда қатнашолмадилар. Тартибни сақлаш мақсадида савдо ўтаётган жойга милиция чақирилди.

СУРАТДА: омадли харидор қиз Италия этиги эгаси бўлди.

СИТА мухбирлари олган суратлар.



Хориждан хабарлар

ИТАЛИЯДА БОЛАЛАР СОТИЛМОҚДА

РИМ. (СИТА). Италияда ниҳоятда кенгайиб кетган жиноий ташкилот иш кўрмоқда. Бу ташкилот Бразилия ва Сальвадордан ғайриқонуний тарзда олиб келинган болаларни Апенин оролларида сотмоқда ва Европанинг бошқа мамлакатларига юбормоқда. Италия полицияси тергов чоғида ана шундай хулосага келди. Полициянинг маълумотларига кўра, ана шу гуруҳнинг бир учи италиялик собиқ руҳоний Лук Ди Нуцциога бориб тақалади. Ҳозирги вақтда болаларни ўғирлаганликда айбланган ана шу руҳоний устидан суд бўлмоқда.

Полициянинг маълумотларига кўра, Италияда Лук Ди Нуццио билан алоқа боғлаган қарийб тўртта воситачи «бошқарма» иш кўрмоқда. Булардан бири Неаполь яқинидаги Казерта шаҳрида ана шу собиқ руҳонийнинг уйида жойлашган. Бироқ ҳозирча жиноятчиларнинг номлари маълум қилинмаяпти ва уларни ҳеч ким қамоққа олмаган. Фақат уч кишигина Римда ушланган. Айни вақтда полициянинг тасдиқлашича, Жанубий Америкадан болаларни танлаш ва сотиб юбориш билан шуғулланаётган кишиларнинг дўстлари ва яқин қариндошлари ҳам шу гуруҳга киради.

Европа мамлакатларида ва Исроилда фарзандсиз оилалар битта бола учун тахминан 18 минг доллар тўлашларига тўғри келади. Италия, Швейцария ва Германиядаги бефарзанд эр-хотинлар баъзида Бразилияга бориб, ўзларига ёққан гўдакни шу жойнинг ўзида танлаб оладилар.

Италия маъмурларининг тахмин қилишларича Апеннин оролларида яқинда қўлга туширилган жиноий гуруҳнинг ташкил топишига Неаполитаннинг Каморра мафияси ҳам даҳлдор бўлиши мумкин.

КАМБАҒАЛЛАР УЧУН БОЗОР

БУДАПЕШТ. (СИТА мухбири Оқилбек Солиев). Будапештдаги бозорларнинг бирига бугунги кундагига нисбатан беш баравар арзон нархда сотиш учун 15 тонна озиқ-овқат, 10 тонна кийим-кечак, юз тонна кўмир келтирилди.

Бу нима? Қанақа ўйин? Аниқланишича, ҳеч қандай ўйин эмас экан. Тижорат мақсадида ташкил этилган бу бу ғайритабиий ярмаркадаги молларни энг аввало моддий имкониятлари расман қашшоқлик даражасига тушиб қолган харидорлар сотиб олишади. Ушбу «тижорат» ташкилотчилари — оилаларга ёрдам кўрсатиш марказининг фаоллари ўзларининг қашшоқликда кун кечираётган ҳамюртларига бир иложини қилиб қишга тайёргарлик кўриш имкониятини бериш зарур, деб ҳисоблашмоқда. Тушган пуллардан махсус жамғарма ташкил этилиши кўзда тутилмоқда, ана шу жамғарма қашшоқлар тоифасига мансуб оилаларнинг қобилиятли фарзандларини ўқитишда ёрдам беради, уларни қўллаб-қувватлайди.

Ҳозирги ярмарка бундай ҳил ярмаркаларнинг дастлабкиси бўлиб, унинг ташкилотчиларининг фикрига қараганда, камбағал оилаларни таъминлашга алоқадор барча муаммоларни ҳал этмайди, албатта. Бундай тадбирлар ҳукумат юритаётган изчил ижтимоий сиёсатга қай даражададир кўмаклашиши мумкин, холос.

ЧМКПНИНГ СЪЕЗДИ ОЧИЛДИ

ПРАГА. (СИТА мухбири Игорь Шамшин). Муайян кучларнинг Чехия ва Моравия коммунистик партиясининг Оломоуцда 1-съезди очилишини барбод этиш учун қилган иғвогарлик ҳаракатларига қарамай, ушбу анжуманнинг 646 делегати аниқ белгиланган вақтда иш бошлади.

Кун тартибининг биринчи банди жумҳурият Компартияси раҳбар органларининг ҳисоботидан иборат эди. ЧМКП раиси И. Махалик маъруза қилганидан кейин мунозара бошланди. Мунозара чоғида делегатлар Марказий қўмита фаолиятига ижобий баҳо бердилар. Навбатдаги банд Компартия дастури ва низоми лойиҳаларини муҳокама қилиш эди. Мазкур ҳужжатлардан Чехославакия коммунистлари ярим миллионлик отрядининг иш шакллари ва усуллари, шунингдек, янги ташкилий тузилиши белгиланди.

Якшанба куни делегатлар партия раисини ва унинг раҳбар органлари янги таркибини сайлашлари, ЧМКП дастури ва низомини қабул қилишлари керак. Чехославакия ҳукуматининг иқтисодий сиёсатига нисбатан ёндашувини ишлаб чиқиш режалаштирилмоқда.

ЧМКПнинг биринчи съезди коммунизмга қарши кампания яна кескинлашган вазиятда ўтмоқда. Съезд иш олиб бораётган бино олдида эрталаб бўлиб ўтган кўп минг кишилик намойиш қатнашчилари ўзларининг делегатларга нисбатан душманлик муносабатларини яширмадилар. Улар коммунизмга қарши шиорларни баралла такрорладилар, ҳар бир машҳур партия раҳбарини норозилик сўзлари билан кутиб олдилар.

Генерал Ауннинг буйруғи

БАЙРУТ. (СИТА мухбири Ратмир Орестов). Ливан армиясининг собиқ қўмондони генерал Мишель Аун ўз қўшинларига қонуний маъмурлар томонига ўтишни буюрди. У радио орқали берилган баёнотида ўзига тобе армия бўлинмаларидан қон тўкилишининг олдини олиш мақсадида эндиликда Ливан қуролли кучлари қўмондони генерал Эмиль Лаҳуднинг буйруқларига бўйсунишни талаб қилди. Радиостанцияларнинг хабарларига қараганда, М. Ауннинг қуролланган бўлинмалари ҳукумат кучларига таслим бўладилар, улар исёнкор генерал илгари ушлаб турган шарқий Байрутнинг бир қанча ноҳияларига кирган эдилар.

Ўз армия гуруҳлари назорати остида турган ноҳиялар шиғов ўққа тутилганлиги М. Аунни асир тушишга мажбур қилди. Ҳукумат қўшинлари ва Сурия ҳарбийлари дан ташкил топган бўлинмалар бу ноҳияларни тўплардан ўққа тутаётган эди. «Саут аш-Шаоб» радиостанциясининг хабар қилишича, Франциянинг Ливандаги элчиси қароргоҳига бугун эрталаб яшириниб олган ва ўша ердан туриб таслим бўлганлиги тўғрисида эълон қилган генерал кейинроқ француз дипломатлари ҳамроҳлигида Байрут ташқарисига олиб чиқиб кетилди. Франция элчихонаси Ливан маъмурларига мурожаат этиб, мамлакат тайёрагоҳларидан бирига вертолётни қўндириш учун рухсат беришларини илтимос қилди, бу вертолётда М. Аунни Ливандан олиб кетишади. Президент И. Храуи билан телефон орқали боғланган Франция ташқи ишлар вазири Р. Дюма, мавжуд маълумотларга қараганда, М. Аунга Францияда сиёсий бошпана бериш юзасидан Ливан давлати бошлиғининг фикрини сўраган. Ливан маъмурларидан ҳозирча расмий жавоб келгани йўқ.

Хабар қилинишича, Ливан армияси бўлинмалари Баабдадаги президент саройига кирганлар, бу саройни икки йилдан кўпроқ вақт мобайнида М. Аун эгаллаб турган эди. Исёнкор қисмлар кетма-кет қонуний маъмурлар томонига ўтишмоқда. Айни вақтда Сук ал-Ғарб ва Бикфайя ноҳияларида айрим қаршилик кўрсатиш манбалари тўплардан ўққа тутилиб турибди. Ўз мағлубиятини тан ололмаётган кучлар Кесруан ноҳияси билан Байрут жанубидаги шаҳарчага жавоб ўти очишмоқда. Бу ерда фуқаролар орасида ўлганлар ва жароҳатланганлар бор.

БУҚАЛАМУН ФОЙДАЛИМИ?


Ишонмайсиз, ушбу суратдаги жонивор Американиклар учун ниҳоятда қадрли ва ардоқли. Хамелеон ўзбекчага ўгирсак, «буқаламун» — ғалати чиқаркан. Лекин унинг сир-асрорларини, нималарга қодирлигини дунё ҳайвоншунослари ҳалигача тўла ўзлаштиролганлари йўқ.

Америкада чиқадиган ойномалардан бири «Смитсониан»нинг ёзишича, кейинги йилларда аҳолининг буқаламунга бўлган талаби жуда ошиб кетибди. Кўпгина оилаларда 1—2 тадан учратиш мумкин. — Сўнгги тўрт йил ичида, — деб ёзади ойнома. — «Буқаламунбозлар» сони рекорд даражага ўсди. Агар 1985 йилда мамлакатга бу ҳайвондан 5 мингтаси олиб келинган бўлса, 1989 йилда 15 мингга етди. Ҳали ҳам бу ҳисоб-китоблар хомчўт.

Бу жониворнинг баҳоси қанчалигига қизиқяпсиз-а! Чакки эмас, «яширин бозор»да 2 минг долларгача сотиларкан.

Унинг ишқибози нега бунчалик кўплиги боиси ҳам айтилган. Айтишларича, унинг инсон нерв системаларига бўлган таъсири жуда катта экан. Кўпчилик шу пайтгача аквариумга солинган балиқларнинг шундай хусусиятга эга эканлигини айтиб келарди. Буқаламунлар хавф-хатарни ҳам тез англаркан. Яна бир жиҳати, улар бир ойгача сувсиз, овқатсиз яшашлари ҳам мумкин.

Бундай буқаламунлар иссиқ иқлимли ўлкалардан олиб келинади. Уларнинг макони асосан яқин Шарқ мамлакатлари, Ўрта Ер денгизи яқинидаги ярим ороллар, Шимолий Африка, Намибия, Конго, Ҳиндистон сингари давлатлар ҳисобланади.



(СИТА суратлавҳаси).

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ТАЛАБ ҚОНДИРИЛДИ

● ОМУДУРМАН шаҳрининг (Судан мамлакати) уч фуқароси ўзаро жанжаллашиб қолишди. Сўнг бу жанжал муштлашишга айланди. Натижада жанжалкашлардан бирининг тиши уриб синдирилди. У эса ким урганлигини аниқ билолмай икковини ҳам судга берди. Қизиғи шундаки, жабрланувчи суд чиқарган ажримларнинг бирортасидан ҳам қониқмади, яъни кечирим сўраш, ёки етказилган зарарни тўлаттириб олишга кўнмади. У суддан фақат битта нарсани талаб қилиб туриб олди — синган тиш учун айбдорларнинг ҳам тишини уриб синдиришни. Суд розилик берди ва бир муштумзўр табиб томонидан икки айбдорнинг ҳам тиши уриб синдирилди.

АЙБДОР СУВСАР ЭКАН

● МЮНХЕННИНГ кичик кўчаларидан бирида тўхтаб турган спорт машинаси бирдан... мотори ўт олди ва ўз-ўзидан юриб кетди. У йўл четида турган икки машинага ҳам ҳар қалай шикаст етказди. Шунингдек, темир панжарани бузиб ўтиб, қўшни ҳовлидаги деворга бориб урилди ва тўхтаб қолди.

Кейин маълум бўлишича, машина «ўғриси» сувсар экан. У моторга уланган ток узатгичларни тиши билан қиртишлаган. Натижада токнинг қисқа туташуви содир бўлган ва автомобиль юриб кетган.

НЕБОЙШИ БОЧЕВИЧНИНГ КАРОМАТИ

● ЯҚИН кунларда Японияда кучли ер қимирлайди, Болқонда эса 20 даража совуқ — қаҳратон қиш кутилмоқда, Форс кўрфазида хунрезликдан қутулиш қийин.

Воқеа-ҳодисаларни олдиндан айтиб берувчи югославиялик Небойши Бочевичнинг каромати — бу. Яна унинг кароматларига ишонадиган бўлсак, келгуси 2 йил ичида Белграднинг шимолидаги 100-километрда жойлашган Башоид қишлоғида одамзот билан ўзга сайёраликлар учрашади. СССРда сиёсий танглик 1991 йилнинг май ойига бориб, барқарорлашиши мумкин.

«Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна — 91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91»

«Ёш ленинчи» Ҳурмат китоби

АЗИЗ МУШТАРИЙЛАРИМИЗ, жонкуяр маслаҳатчи ва маслакдошларимиз!

Маълумки, 1991 йил рўзнома ва ойномалари учун обуна қилиш қизғин паллага кирди. Аммо бу муҳим кампанияда ўзибўларчилик, боқибегамлик ва жон куйдирмаслик билан иш тутаётганлар ҳам йўқ эмас. Ана шулардан фарқли ўлароқ обунани қизғин ва уюшқоқлик билан ўтказаётган жамоалар, ташкилот ва хўжаликларнинг жонкуяр раҳбарларининг самарали меҳнатларини, намунали ишлари ва ташаббусларини юзага чиқариш ниятида **«ЁШ ЛЕНИНЧИ» ҲУРМАТ КИТОБИ»**ни ташкил этдик.

«Ёш ленинчи» обунасини намунали йўлга қўйган, уни биринчилардан бўлиб туғаллаган, кам даромадли оилаларни, фуқароларни ва ишлаб чиқариш илғорларини хўжаликлар, ташкилот ва комсомол қўмиталари ҳисобидан энг кўп обуна қилишни ташкил этганлар **«ЁШ ЛЕНИНЧИ» ҲУРМАТ КИТОБИ»**га ёзиладилар.

Ҳурмат китобида эълон қилинганлар 1991 йил давомида «Ёш ленинчи» рўзномаси ходимлари диққатида бўладилар. Уларнинг мураккаб муаммоларини ҳал этишда имкон қадар кўмаклашадилар.

Аввал ваъда қилганимиздек «Ёш ленинчи» ходимлари, жумҳуриятимизнинг таниқли санъат усталари ва ижрочи ёшлари билан ҳамкорликда оқиқ мулоқот—«Ёш ленинчи» байрамлари ўтказишни эътиборидан қолдирмайди.

ҲУРМАТ КИТОБИГА ёзилиш учун қуйидаги шартларга амал қилиш лозим:

Ташкилот, жамоа ва давлат хўжаликлари, комсомол қўмиталари «Ёш ленинчи»га обуна бўлган муштарийларнинг умумий сони кўрсатилган ҳужжатни ва обуна учун алоқа бўлимларига ёки «Союзпечать» агентликларига пул ўтказганликларини (аниқ кунини кўрсатиб) тасдиқловчи ишонч қоғозларининг бир нусхасини рўзномамизга юборишлари зарур.

Таҳририятимизга сим қоқиб ёки телеграмма юбориб, маълумот берган ташкилот, давлат ва жамоа хўжаликлари, комсомол қўмиталари маълумот берган кундан бошлаб ўн кун орасида юқорида қайд этилган ҳужжатларни бизга юборишлари шарт.

Шундай қилиб «ЁШ ЛЕНИНЧИ» ҲУРМАТ КИТОБИ»га биринчи октябрдан ўнинчи октябрга қадар ўтказилган обунада қуйидагилар:

1. **ЎЗЛКЁИ Тошкент шаҳар қўмитаси — ҳар биттаси уч сўмдан 15 минг 650 нусха имтиёзли қоғоз тайёрлагани учун;**

2. **Фарғона вилояти Боғдод ноҳиясидаги «ПАХТАКОР» жамоа хўжалиги — пахта йиғим-теримида фаол қатнашган комсомол-ёшларнинг 100 нафарини «Ёш ленинчи»га обуна қилиш учун хўжалик ҳисобидан 1200 сўм пул ажратгани учун;**

3. **Шу ноҳиядаги «БОЛЬШЕВИК» ва «ЛЕНИНГРАД» жамоа хўжаликлари — ҳар бири меҳнатда ўрнак кўрсатган юз нафар илғорни «Ёш ленинчи»га обуна қилиш учун хўжалик ҳисобидан 1200 сўмдан пул ажратганликлари учун ёзилдилар.**

АЗИЗ ИХЛОСМАНДЛАРИМИЗ! Обуна муддати узоғи билан 1 ноябргача белгиланган. Вақт оз қолди. Севимли рўзномангизга обуна бўлишга шошилинг.

РЎЗНОМАГА УМИД БОҒЛАБ...

Муштарийларимиз бизга катта ишонч билан йўллаган хатларининг умумий сони бугунгача 32 МИНГ 600 ТАДАН ошиб кетди.

Сараланган хатларнинг сиз муштарийларимиз талабига жавоб берадиганлари рўзномамиз саҳифаларида жой олмоқда. Баъзи хатларнинг умидли муаллифларига маслаҳатлар бериб, жавоб қайтарилаётир.

Рўзномамизга чексиз ишонч ва умид билан ёзилган **шикоят хатларининг сони 1882 ТАГА ЕТДИ.**

Шикоят хатларининг 70 фоизи тегишли ташкилотларга текшириб чора кўриш учун юборилаяпти.

Шундан ҳозиргача **1570 ТАСИГА 3140 ТА РАСМИЙ жавоб олдик.**

Расмий жавоблар таҳлили шуни кўрсатдики, рўзномамиз аралашуви ва жойлардаги маҳаллий раҳбариятнинг адолат юзасидан иш тутиши туфайли арзгўйлар талаби ижобий ҳал этилаётир. Ана шу олинган расмий жавобларнинг ҳаммасини ҳам эълон қилиш имкони йўқ. Аммо сизга «Ишга жойланди», «Пенсия тайинланди», «Қўшимча терговга қайтарилди», «Уй-жой билан таъминланди», «Адолат қарор топди» каби сарлавҳалар ёд бўлиб кетди десак, муболаға бўлмас.

Бугунгача **486 КИШИ ИШГА ЖОЙЛАНДИ. 30 ЖИНОИЙ ИШ ҚЎШИМЧА ТЕРГОВГА ҚАЙТАРИЛДИ.** Жумҳурият Олий суди ва вилоят судларида қайта кўриб чиқилган 10 дан ортиқ жиноий иш материаллари юзасидан **14 КИШИНИНГ ЖИНОИЙ ЖАЗОСИ ЕНГИЛЛАШТИРИЛДИ. 165 НАФАР ҚАРИЯ, МЕҲНАТ ЁКИ УРУШ НОГИРОНИ, КАМ ДАРОМАДЛИ ОИЛА** рўзномамиз аралашуви билан нафақа оладиган ёки қўшимча маблағ билан таъминланадиган бўлди. **60 КИШИГА ДАВЛАТДАН ҚАРЗ (ССУДА) ОЛИШГА ёрдамлашилди.**

Кўриб турибсизки, рўзномамизга обуна бўлган ва унга умид боғлаб шикоят йўллаётганларга кўмаклашаётирмиз. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Чунки, шикоят хатларимизнинг ҳаммасига тўла жавоб ололганимиз йўқ. Аммо йил охирида муштарийларимиз олдидаги бу қарзимиздан қутиламиз, албатта. Сиз муштарийларга рўзномамиз жамоасининг қай даражада нафи тегаётганлигини таҳририятимизга келаётган миннатдорчилик хатларидан ҳам билса бўлади. Бир мисол:

«Салом ҳурматли «Ёш ленинчи». Бизнинг хатимизни эътиборга олиб, дардимизни тинглаганингиз учун минг раҳмат! Хонадонларимизга электр чироқлари ўтказилди. Хайрли иш бўлди. Қўни-қўшниларим ва маҳалла аҳли номидан яна бир бор чексиз миннатдорчилик изҳор этаман, деб, **Қашқадарё вилояти, Яккабоғ ноҳиясидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигининг «Дархон» қишлоқ аҳли номидан ЗУЛАЙҲО ПАРДАЕВА».**

Яна бир миннатдорчилик. Бунисини **Тошкент вилоятининг Оққўрғон шаҳри, Чкалов кўчасидаги 22-уйда истиқомат қилувчи пенсионер онахон Раиса МИРХОНОВА йўллабдилар:**

«Болаларимнинг уйлик бўлишини ўн йилдан ортиқ интизорлик билан кутган эдим.

Ўғлим ўзи учинчи гуруҳ ногирони, Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида ишлайди. Уч нафар фарзанди билан ўн бир йилдан буён уй ололмасди. «Ёш ленинчи» аралашувидан сўнг, яқинда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Шўроси ижроия қўмитасидан жавоб олдик. Ўғлимга шаҳардан кўп хонали уй берилди. «Ёш ленинчи»га ва Тошкент шаҳар ижроқўми ходимларига оналик миннатдорчилигимни билдираман».

Бундай миннатдорчилик хатлари жуда кўп. Уларни имкон қадар рўзномамиз саҳифаларида эълон қилиб борамиз. Бундай хатлар нафақат жумҳуриятимиздан, балки Иттифоқимизнинг турли жойларидан ҳам келиб турибди. Умид билан мактуб йўллаган муштарийларимизга баҳоли қудрат ёрдамимиз тегаётганидан мамнунмиз.

«Обуна—91» «Обуна — 91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91»



«Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91»

ИШТИЁҚИМИЗ СЎНГАНИ ЙЎҚ

Обуна нархи ошганлиги, айниқса, стипендияга яшовчи талаба учун кутилмаган ҳол бўлди. Жумҳуриятимиздаги энг кекса билим юртларидан бири пойтахтимиздаги В. И. Ленин номли педагогика билим юртида мингдан зиёд талабалар бошланғич синф ўқитувчиси, бош пионервожатий, меҳнат дарси муаллими каби соҳалар бўйича таҳсил олишмоқда.

— Билим даргоҳимиз ўқувчилари учун «Ўқитувчилар газетаси», «Совет мактаби» каби рўзнома ва ойномалар ўз соҳаларига яқин бўлса-да, улар «Ёш ленинчи»ни зўр қизиқиш билан ўқишади,— деди билим юрти тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Севара Зуфархўжаева.—1991 йил обуна рўйхатларидан кўриниб турибдики, кўпчилик талабаларимиз «Ёш ленинчи»га ёзилишган. Пойтахт шаҳар комсомол қўмитасининг энг фаол талабаларига имтиёзли обуна қоғози ташкил этганлигини эшитиб, хурсанд бўлдик. Бу имтиёзли қоғоздан бизнинг аълочи талабаларимиз ҳам баҳраманд бўладилар, албатта.

Билим юртида кўплаб талабалар билан суҳбатлашиб, уларнинг рўзномамиз ҳақидаги фикрларини сўрадик:

Умида АҲРОЛОВА, учинчи курс талабаси: — ўқувчилик пайтларимданоқ «Ёш ленинчи» мухлисиман. Оиламиздагилар ҳам бу рўзномани севиб мутолаа қилишади. Айниқса, «Бир рубобнинг икки тори» саҳифаси, «Нуқтаи назар», «Тарихнинг ўқилмаган саҳифалари» ва «Бир хат изидан» ойнасўзлари остида бериладиган мақолаларни орзиқиб кутамиз. Шу боисдан яна «Ёш ленинчи»га обуна бўлдим.

Малика АСҚАРХЎЖАЕВА, иккинчи курс талабаси:

— Келаси йилдан бошлаб жумҳуриятимизда янги рўзнома ва ойномалар нашр этилишини эшитиб хурсанд бўлдим. Аммо ҳеч иккиланмай, ўзимнинг қадрдон «Ёш ленинчи»мга ёзилдим. Ўйлайманки, келгуси йилда ҳам у ўзининг дадиллиги ва халқчиллигини йўқотмай муштарийлар меҳри тушган рўзнома бўлиб қолади...

Билим даргоҳи талабалари вилоятимизнинг Чиноз ноҳиясидаги «Олмазор» давлат хўжалигида ҳашарда бўлиб, обунага улгуришмагандилар. Кўмакдан қайтган йигит-қизларнинг қай бири билан суҳбатлашманг, улар «Ёш ленинчи»га ёзилиш иштиёқида эканликларини билдиришди.

Г. МИРЗАҲОШИМОВА.

* * *

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА «ЁШ ЛЕНИНЧИ»ГА ОБУНА БЎЛИШНИНГ 10 ОКТЯБРГА ҚАДАР БЎЛГАН МАЪЛУМОТНОМАСИ:

1. **Андижон** — 5665 11,2 %, 2. **Бухоро** — 4450 13,6 %, 3. **Жиззах** — 5020 27,8 % 4. **ҚҚАССР** — 1499 13.0 % 5. **Қашқадарё** — 5566 15,4 % 6. **Наманган** — 6274 10,0 % 7. **Самарқанд** — 5893 14,2 % 8. **Сурхондарё** — 10121 27,2 % 9. **Сирдарё** — 2395 13,0 % 10. **Тошкент** — 6056 15,1 % 11. **Фарғона** — 8139 12,1 % 12. **Хоразм** — 3617 19,8 % 13. **Тошкент шаҳри** — 1545 5,8 %

ЖАМИ: 66330 14,4 %



«Ёш ленинчи» рўзномасининг ўқувчи-муштарийлари Нилуфар Кенжаева, Сайёра Асқарова, Шоҳсанам Султонова, Зуҳро Карамалиева. Улар Сирдарё вилоятининг Гулистон ноҳиясидаги 2-ўрта мактабда таҳсил олишади.

Суратчи Муҳаммад АМИН.

«Обуна—91» «Обуна—91»



— Мана, хотин, амаллаб «Ёш ленинчи»га обуна бўлдим.

— Хайрият-ей, хавотир олиб ўтиргандим, обуна бўлолмайсанми, деб.

Аброр ОРИПОВ расми.

Бир хат изидан

ҚОПҚОН

ЁКИ «ЮҚОРИ»НИНГ БАРБОД БЎЛГАН МАХФИЙ ТОПШИРИҒИ ҲАҚИДА

Азимжон Каримовга қопқон қўйишди. «Овчилар»нинг бошлиғи милициянинг БХСС бўлими эди. Каримовнинг шикоят хати, тергов материаллари, суд ажримлари, айрим гувоҳларнинг тушунтириш хатлари билан танишгач, шундай хулосага келдик. Бу фикрни Ўзбекистон ССЖ Олий суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 1990 йил 26 июлда чиқарган ажрими ҳам мустаҳкамлайди. Унда қуйидаги жумлалар бор: «...Юқорида баён этилган ҳолатлар ушбу жиноят БХСС ходимлари томонидан сунъий равишда уюштирилганлигини кўрсатади».

Гапнинг қисқаси, қопқон қўйилгани рост. Лекин бу қопқон нега ва кимларнинг манфаати учун керак бўлди, деган савол туғилади. Бу саволга жавоб бериш учун ва муштарийга тушунарли бўлсин, деган мақсадда Азимжон Каримовнинг аризасидан бир неча жумлани кўчириб оламиз.

«...Меҳнат таътилидан қайтиб келиб, директоримга мурожаат қилдим, менга яна омборчиликни берсангиз, сабаби, ошпазлик соғлигимга тўғри келмаяпти, юрагим касал, дедим. Директоримиз Назаров: менинг қаршилигим йўқ. Сиз ўз ишингизга, яъни омбор мудири вазифасига ўтишингиз керак. Аммо... Сирдарё вилоят БХСС бошлиғи Бузрукхонов келиб «Раҳмонқулов омбор мудири бўлиб ишласин», деб илтимос қилди. Кейин Сирдарё ноҳия БХСС бошлиғи Юсуф ҳам келди, у ҳам «Раҳмонқулов ишласин», деяпти. Директоримиз менга шу маълумотни айтиб, ўйлаб кўринг, деди. Уларнинг келиб илтимос қилишининг сабаби — Раҳмонқулов Бузрукхоновнинг куёви бўлади. Мен ҳар томонлама ўйлаб кўриб, ўзим тўғри бўлсам, тўғри ишласам бўлди-да, деган фикрга келиб, омбор мудирлигини қабул қилдим. Ана шундан кейин ОБХСС-лар билан келишмовчиликлар бошланди...»

Юқоридаги гапларга изоҳнинг ҳожати бўлмаса керак. Бироқ шундай далиллар борки, уларни айтиб ўтиш ўринли, деб ҳисоблаймиз. Раҳмонқулов ошпаз эди. Каримов меҳнат таътилига чиққанда, Раҳмонқулов унинг ўрнига вақтинча омбор мудири бўлиб қолди. Мантиқан қараганда, у Каримов ишга қайтгач, омборни топширгиси келмай, мудирликка даъвогарлик қилган ва суянган кишиларини ишга солиб кўрган.

1987 йил октябрь ойида Сирдарё шаҳар матлубот жамияти умумий овқатланиш корхонасига Сурхондарёдан бир машина ҳурмо келтирилади. Маҳсулот савдо тармоқларига тарқатилади. 2—3 кун ўтгач, ноҳия ички ишлар бўлими БХСС инспектори Жўраев келиб, ҳурмога тегишли ҳужжатларни олиб кетади ва Сурхондарёга бориб текшириш ўтказади. Бироқ бундан ҳеч қандай камчилик чиқмайди. Шундан кейин, Азимжон Каримовнинг ёзишича, шаҳар БХСС бўлими бошлиғи (катта инспектори) Юсуф Мусурмонқулов Каримовни ўз ҳузурига чақириб, «яхши ошпаз экансиз, омборда ишлаб нима қиласиз? Қўйинг, шу омборда ишламанг», дейди. Каримов эса бу гапга парво қилмай, ўз ишини давом эттиради. Ниҳоят, 1988 йил 16 апрель куни уни «жиноят» устида қўлга туширишади.

Биз жиноят сўзига атай урғу бериб, уни қўштирноқ орасига олиб ёздик. Энди бунинг маъносини тушунтириб беришга уриниб кўрамиз. 13 апрель куни умумий овқатланиш бўлимида шофёр бўлиб ишловчи Ҳамро Примов Каримовга учраб, бир дўстининг маъракаси борлигини, ўзи камбағал киши эканини, шунга ёрдам қилиб, маъракага яраша гўшт беришини сўрайди. 14 апрелда бир йигит келиб, Ҳамро юборганини, гўшт зарурлигини айтади. А. Каримов рухсат олиш учун уни директор ҳузурига юборади. Йигит директорни тополмадим, деб қайтиб келади. Каримов гўшт бермайди. 15 апрель куни ўша йигит яна келади Каримов яна директорга юборади. Директор йўқ эмиш. 16 апрель куни худди шу аҳвол такрорланади. Омбор мудири айтади: «бўлмаса тушдан кейин келинг, балки директор ҳам келиб қолар». Тушдан кейин ҳам йигит директорни тополмадим, деб келади ва маъракамиз бугун эди, агар ёрдам қилмасангиз, халқ олдида шарманда бўламан, деб оёқ тираб туриб олади. А. Каримовнинг тушунтиришича, у бу йигитга ачинади ва 47 килограммлик бир сон гўштни беради. Йигитдан 115 сўм пул олади ва тайинлайди: «бозордан кейин Ҳамро билан бирга келинг, ҳозир гўштнинг нархини билмайман, агар сиздан олган пул етмаса, камини берасиз, ортиқ бўлса, мендан оласиз». Гўшт машинага ортилганда ОБХСС инспектори Жўраев пайдо бўлади ва акт тузади.

Биз бу воқеани оддий тасодиф, дейишимиз мумкин эди. Аммо баъзи далиллар бу фикрни инкор қилади. Масалан, жиноий иш бўйича жабрланувчи ҳисобланган Содиқ Ҳазратқуловнинг гувоҳлик беришича, у суд мажлисида сўроқ қилинганда, ҳеч қандай маъракаси бўлмаганини, гўшт ҳам керак эмаслигини, ҳайдовчилик гувоҳномасини ДАИдан ололмай юрганида, ОБХСС ходими Жўраев унга, агар Азимжон Каримовни қўлга туширишда ёрдам берсанг, гувоҳномангни олиб бераман, деганини айтади. Бироқ суд бу жиддий баённомани ҳисобга олмайди. Афтидан, судда ҳам Каримовни айблаш мақсад қилиб қўйилган. Бу фикрни Ҳазратқуловнинг 1989 йил 14 август куни Сирдарё вилоят судининг жиноий ишлар бўйича судлов ҳайъатига берган шикоят аризаси ҳам маълум даражада тасдиқлайди. Шу аризадан бир парча келтирамиз: «Терговда ва судда иш бўйича ҳақиқатни гапирганман. Яъни Каримов дастлаб гўштни сотмади, директордан ёзма рухсатнома олиб келинг, деди. 2—3 марта директорга бордим, уни тополмадим. Охири Каримовдан илтимос қилиб 1988 йил 16 апрель куни 47 килограмм гўшт олдим, 115 сўм пул қолдирдим. Лекин баҳоси аниқ эмас, кейин келиб ҳисоб-китоб қилиб кетасиз, деди. Яна шуни айтдимки, терговчи Қаюмов ва БХСС ходими Жўраев икки марта уйимга боришиб, терговда берган кўргазмамни қайтадан ёзиб беришимни, унда Каримовнинг «Гўштнинг нархи аниқ эмас, кейин Ҳамро билан бирга келиб, ҳисоб-китоб қиласиз, пулингиз ортиқ бўлса, қайтараман, кам бўлса тўлайсиз» деган гапларини ёзмаслигимни талаб қилишди. Мен рад жавоби бердим. Менинг бу кўргазмам суд мажлиси протоколида ёзилмай қолибди... Бир одамни нотўғри айблаш кимларга керак экан, деб ҳайрон бўламан».

Айниқса, милиция терговчиси Қаюмовнинг нохолислиги кишининг нафратини қўзғатади. Ахир у оқни оқ, қорани қора, деб тўғри баҳо бериши лозим бўлган киши-ку. Унинг А. Каримовга нисбатан эълон қилган айблаш фикридаги мана бу гапларига эътибор беринг: «...давлат ва жамоат манфаатларига жиддий моддий зарар келтириш мақсадида таъмагирлик йўли билан, ўз жиноятининг оқибатига тушунган ҳолда, савдо қоидасини қўпол равишда бузиб, давлат омборларидан харидорларга гўшт маҳсулотлари сотиш мумкин эмаслигини олдиндан била туриб, ўз манфаатини кўзлаб бойлик орттириш мақсадида 16 апрель 1988 йил куни умумий овқатланиш омборидан 47 килограмм мол гўштини 115 сўмга харидор Ҳазратқулов Содиққа сотади ва шу жиноят устида Сирдарё шаҳар ИИБнинг ОБХСС ходимлари томонидан қўлга туширилади».

Дастлаб шуни айтиш керакки, терговчи Қаюмовнинг юқоридаги фикрларини ўқиб, гап ғоят катта миқдордаги ўғирлик ҳақида бораяпти, деб ўйлайсиз. Ҳолбуки, А. Каримов Ҳазратқуловдан 3 сўм 14 тийин ортиқча пул олган экан, у ҳам гўшт нархини билмаган ҳолда. Шундай экан, «давлат ва жамоат манфаатларига жиддий зарар келтириш мақсадида», «ўз манфаатини кўзлаб, бойлик орттириш мақсадида» деган ибораларга ҳожат борми? Айниқса, жиноий ишда баҳо беришдаги меъёр — ғоят муҳим талаб. Бундан ташқари, фикрни ифодалашдаги аниқлик, фақат ҳуқуқий — юридик томондан эмас, балки тил нуқтаи назаридан, грамматик жиҳатдан ҳам саводли бўлишни талаб этади. Бу соҳада фақат Қаюмовни эмас, балки унга ўхшаган ҳуқуқшуносларни ҳам ҳали анча ўқитиш кераккка ўхшайди.

Хуллас, Азимжон Каримовга атайлаб қопқон қўйилди ва у «ушланди». Унга нисбатан қўзғатилган жиноий иш икки йилдан ортиқ муддат ичида сопқон тошидай ноҳиядан ноҳияга ўтиб юрди, бир неча марта вилоят суди томонидан кўриб чиқилди, бироқ иш холис ҳал қилинмади. Дастлаб Ўзбекистон ССЖ Олий судида ҳам А. Каримовнинг тақдирига эътибор билан қаралмади. Оқибатда А. Каримов ўзига (Ўзбекистон ССЖ жиноят кодексининг 149-моддаси, 177-моддасининг 1-банди, ва 177[2] моддасининг 1-банди билан — С. С.) қўйилган айблар ноҳақлиги ҳақида жумҳурият прокурори Б. Мустафоевга арз қилишга мажбур бўлди. Жумҳурият прокуратураси аралашуви билан Ўзбекистон ССЖ Олий судининг янги сайланган аъзолари ишни қайта кўриб чиқди ва А. Каримовни бутунлай оқлади.

Ноҳақ қораланган бир фуқаро оқланди, ниҳоят, енгил нафас олди. У ўз ишига тикланди, салкам 3500 сўм миқдорида кўрган зарарини қайтариб олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлди. Аммо, бошига тушган савдолар унинг саломатлигига оғир таъсир кўрсатди. Халқимизда «тан жароҳати тузалар, дил жароҳати тузалмас» деган мақол бор. Хўш, А. Каримовни атайлаб қийнаган, узоқ вақт изтиробга солган маъмурий органларнинг ходимлари-чи? Бизнингча, улар ҳам қилмишларига яраша жазоланишлари лозим.

Саминжон СУЛТОНОВ,
Сирдарё вилояти.

«Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91» «Обуна—91»

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар

ҚЎШИҒИДА ХАЛҚ ОРЗУСИ, АРМОНИ

Тақдир умр йўлини бегубор болалик бағридан катта ҳаёт деб аталмиш мураккаблик гирдобига бурган онлари ўсмир кўнглида залворли бир савол туғилади — «Ким бўлсам экан?!» Тунлар ва кунлар ана шу саволнинг бўлади бундай кезларда. Келажак ҳақида ўй суришга мажбур этадиган бу савол дилга ширин изтиробларини етаклайди. Бироқ кимларга шафқатсиз, кимларга саховатли дунё баъзиларни ўшал залворли савол юкидан фориғ этади. Табиат инъом этган иқтидор ким бўлмоқ лозимлигини олдиндан белгилаб беради бундайларга.

Ғиёс Бойтоев табиатнинг ана шу сийловига муносиб кўрилган инсонлардан. Бироқ, дейдиларки, инсон боласи иқтидорсиз туғилмайди. Иқтидорнинг ўзигина бахтли бўлишга кафолат бермас экан, барибир масала инсоннинг ўзига унинг интилиши, орзуларига бориб тақалаверади. Кимки бирор соҳада муваффақият қозонса, ана шу сабабли ҳам унинг заминида орзуга, ниятларга садоқат ётганини ҳис этаман.

Чимкент вилоятининг Сайрам ноҳиясидаги Қизилқишлоғи табиатнинг сўлим гўшаларидан. Ғиёс ана шу мўъжаз ватанда камол топди. Унинг хиргойиларига Қизилқишлоқнинг далалари ўз бағрини очган, ўша заминда кўкарган гиёҳ ва дарахтлар гоҳ билдириб, гоҳ билдирмай япроқлари шивири билан унга жўр бўлишган. Санъатга илк ҳавас уйғониб, Сайрамдаги маданият уйига, «Шодлик» ҳаваскорлик дастасига қатнаб юрган кезларида ҳали ўзи туғилиб ўсган жойдан Тошкентгача қанча масофа борлигини аниқ билмасди Ғиёс. Бироқ билардики, кўплаб санъаткорларнинг орзуси ана шу муаззам шаҳарда гул очади.

Орадан йиллар кечди. Ҳавас муҳаббатга, қўшиққа муҳаббат касб-корга айланиб борди. Уни илк бор тингловчиларга танитган «Шириним» овоз ёзиш студиялари карнайларидан кун бўйи тараладиган, бироқ ҳеч кимнинг меъдасига тегмайдиган даражада нафис янграйдиган бўлди. Ғиёснинг орзуси ҳам шу эди. У яратилган қўшиқ бир-икки ижро этилгач унутилиб кетмаслигини истарди. Бундай қўшиқлар шунчаки, йўл-йўлакай туғилмайди, албатта. Улар юрак қони, дилда ҳаприққан туйғулар тафтини ўзида мужассам этиши керак.

Рости гап, Ғиёс Бойтоевнинг шоир Муҳаммад Юсуф сўзи билан айтиладиган «Онам йиғлар» қўшиғи ўзбек мусиқа санъатининг гултожларидан бири деб ҳисоблашга арзигулик деб ўйлайман. Пок дилнинг қатидан сизиб оқаётган аччиқ ҳақиқат суратидаги Мунг мужассам бу қўшиқда. Умуман олганда Ғиёсни элга танитган илк қўшиқ ўйноқи бўлишига қарамай, унинг репертуаридаги қўшиқларнинг аксарияти тингловчидан мулоҳазали, сезгир ва нуктадон бўлишни талаб этади. Ғиёс Бойтоев оҳангнинг ҳар гал ўзига хос бўлишини инкор этмагани ҳолда тингловчига аввало Сўзни етказиш лозим деб билади. Тўғри, мусиқа тингловчини ҳиссиётга чоғлайди. Бироқ дарднинг катта қисми барибир Сўзда мужассам бўлади-да. Қолаверса, репертуарида мулоҳазага ундовчи куй-қўшиқлар кўплиги бежиз эмас. Зеро, унинг ўзи камтарин, сермулоҳаза, оғирбосиқ йигит. Ҳар ким билан очилиб-сочилиб гаплашиб кетавермайди. Бундай ҳолат содда-самимий кишиларгагина кўпроқ учрайди. Кўнглингизда ғараз йўқлигига амин бўлгач, ундан яхши суҳбатдошни тополмайсиз. Унинг қиёфасига чизги бўладиган бир воқеани сўзлаб берай.

Шоир Муҳаммад Юсуф билан унинг ҳамкорлиги кўпчиликка маълум. Бир гал севимли шоиримиз Ғиёсга «Кўнглимда бир ёр...» сатрлари мавжуд шеърини қўшиқ қилишга тавсия этди. Хонанда бу шеърни қўшиқ қилишга киришавермагач, даста қатнашчилари Ғиёсдан бунинг сабабини сўрадилар.

— Ўзим ҳали оила эгаси бўлмай туриб, яна шеърда менинг руҳиятимга мос жойлар кўрмасам, қандай айтаман, — деди у дўстларига. Дўстлари уни тушунишди. Чунки у юрагига ҳамоҳанг сатрларнигина қўшиқ қилишини билишарди созандалар. Аммо «Онам йиғлар» қўшиғига нисбатан Ғиёснинг фикри бирдан ўзгарди. Негаки деганда бу қўшиқ матнига ҳам аввало у юқоридаги каби истиқола билан рўйхушлик билдирган эди. Бироқ кейинроқ у қўшиқда буюк инсоний дард ётганлигини англади. Ана шу дардни намоён этадиган мусиқа топгачгина уни қўшиқ қилишга киришди.

Ғиёс Бойтоев ҳақида кўплаб нашрларда, қолаверса бизнинг рўзномамизда ҳам мақолалар эълон қилинди. Шу сабабли унинг биографиясига кенгроқ тўхталишни лозим кўрмадик. Шу ўринда унинг хайрия концертлари ҳақида икки оғиз сўзласак. У Орол денгизини қутқариш фондига маблағ ўтказишга. Тошкент ноҳиясининг «Ўзбекистон ССЖ 50 йиллиги» жамоа хўжалиги ҳудудида уруш қурбонларига ёдгорлик ўрнатишга. Иттифоқимизда ягона Осиё ислом маркази ва ислом масжиди қурилишига ўз концертларидан тушган тушумларни бағишлади.

Бундан ташқари у ҳозирда ўзи раҳбарлик қилаётган Ўзбекистон ЛКЁИ Марказий Қўмитаси қошидаги «Умид» дастаси билан меҳнаткашлар ҳузурида тез-тез концертлар намойиш этмоқда.

Халқ ҳар гал уни олқишлар билан кутиб олиб, қарсаклар билан кузатади. «Умид»нинг бу муваффақиятларида Ғ. Бойтоев билан бирга ҳамкорлик қилаётган ҳар бир даста аъзосининг муносиб ҳиссаси бор. Чунки дастада мусиқани теран тушунадиган ёшлар жамланишган. Уларнинг иқтидорида ҳали ўзбек мусиқа санъатини гўзал қўшиқлар, куйлар билан бойитишга лаёқат сезаман.

— Мен элимизга хизмат қилишни, қўлимга илк бор соз ушлаган кезларданоқ орзу қилганман, — дейди Ғиёсжон. — Орзу юкини кўтармоқ, унга содиқ қолмоқ қанча меҳнат талаб қилмасин, ҳаммасига розиман.


Ўзбекистон ва бошқа бир қатор қардош жумҳуриятлар тингловчиларининг севимли хонандаси Ғиёсжон Бойтоев Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотига номзодлар рўйхатида қайд этилгани кўплаб мухлисларини беҳад қувонтирди. Бу бекорга эмас, албатта. Зеро, кейинги пайтда жўшиб ижод этаётган, халқ меҳрини қозонаётган навқирон хонандалар сафида унинг бетакрор ўрни бор. Ана шу сабабли сўзимиз сўнггида эл хизматида юрган меҳнаткаш ва камтарин бу йигитга тугал бахт тилашни лозим кўрдим.

— Ҳақиқий мукофот барибир элнинг муҳаббатидан айри тушмасликда, узоқ ижод изланишларидан, беҳаловатлигидан сўнг табиат инъом этадиган буюк руҳий ҳаловатдадир, дейди Ғиёс. Мен унинг бу донишмандона фикрларига қўшиламан. Бироқ ўз вақтида берилган эътибор, рағбат янги ижодий камолотга ундашини ҳам эсдан чиқармаслик лозим, назаримда.

Амирқул КАРИМ.

* * *

Сураткаш Жўра БОБОРАҲМАТ.





«Журналист» ойномасининг титул варағида ҳамманинг кўзи ўрганиб қолган «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» шиори ўрнига «Матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари эркиндир» деган сўзлар пайдо бўлди.

Бу нима — сиёсий ниятми? Йўқ, ундай эмас, деб ҳисоблайди «Журналист» таҳрир ҳайъати. Кўп фирқали матбуот таркиб топаётган шароитда профессионал ойнома фирқалардан у ёки бунисига боғлиқ бўлиб қола олмайди. У қарашларнинг холислиги ва мустақиллигини сақлаб қолиши шарт. Унинг вазифаси муштарийларга

«Журналист» касбини ўзгартирмоқда?

зиддиятли ахборотларнинг улкан оқимида йўл топишга ёрдам беришдан иборат.

«Журналист» яна бир жиҳатдан муштарийларга фойдали бўлиш ниятида. Нашрларнинг нархлари ошди, обуначилар ўзларини қаттиқ чеклашга мажбур бўлмоқдалар, бунинг устига барча қизиқарли нарсаларни кузатиб боришга улгуриш қийин. «Журналист» эса бир неча ўнлаб хилма-хил рўзнома ва ойномалардаги қизиқарли мақолалар ҳақида маълумот беради ва икки-уч нашрнинг муаллифлари билан эмас, балки бутун мамлакатдаги энг яхши муаллифлар билан учрашиш имкониятини яратади.

Муштарий «Журналист»да ҳамкасблар мақолаларини профессионал таҳлил этиш, публицистларнинг чиқишлари, ёш истеъдодлар учун сиртқи лицей сабоқларидан ташқари эсдаликлар, сиёсий саргузашт, сурат кўргазмаларини ҳам топади, Рўзномалар, ойномалар, ойнаи жаҳон ва радио таҳририятлари турмушининг номаълум бўлган томонларини ҳам билиб олади.

(СИТА мухбири).



Фарғона вилоятининг Фрунзе ноҳиясидаги «Сирдарё» давлат хўжалигида янги болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Доимобод қишлоғида фаолият кўрсата бошлаган мазкур масканда хўжаликнинг 140 нафар кичкинтойлари тарбияланмоқда.

Мактабгача тарбия муассасасини 102-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бунёд этдилар. Бу айни терим қизғин тус олган пайтда жуда ҳам асқотяпти.

СУРАТДА: тарбиячи Динора Акбарова болалар билан машғулот ўтаётибди.

Сураткаш Ф. НАЗАРОВ (ЎзТАГ).

НАВОИЙНИНГ ЮБИЛЕЙИ ЯҚИНЛАШМОҚДА

Тошкентда бўлиб ўтган кенгашда ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоийнинг юбилейига бағишланган тантаналарга қандай тайёргарлик кўрилаётгани муҳокама қилинди.

Навоий ёдгорлигини яратишга асосий эътибор берилди. Илгари бу ёдгорлик мажмуи «Чорсу» меҳмонхонасидан бошланиб, Навоий кўчаси бўйлаб Ўзбекистон ССЖ катта театри майдонини қамраб олиши режалаштирилган эди.

Москвада, бошқа иттифоқдош жумҳуриятларда мутафаккир юбилейи тантаналарини ўтказиш муддатлари, буюк сўз соҳиби асарларини нашр этиш билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Ўзбекистон ССЖ Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, юбилейни ўтказиш ташкилот қўмитасининг вакили А. П. Қаюмов шундай деди:

— Маълумки, Маданият вазирлиги, меъморлар уюшмаси, жумҳурият «Китобхон» жамияти, Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси бўлажак ёдгорлик мажмуининг энг яхши ғояси ва у ўрнатиладиган жой учун эълон қилинган конкурсга 49 та лойиҳа киритилганди. Конкурс комиссияси меъмор Мусабоев таклиф этган шоир ҳайкали лойиҳасини афзал кўрди. Ушбу ёдгорлик Навоий номли театр майдонида ўрнатилади. Афсуски, улкан меъморий майдонни, катта ҳудудни таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини ўзида мужассамлаштирадиган ёдгорликни бунёд этишга доир бирорта ҳам лойиҳа берилмади. Шу муносабат билан ижодий мусобақани 25 декабргача давом эттиришга қарор қилинди. Муддат жуда оз, вақт кутиб турмайди, шу сабабдан Навоий юбилейига мўлжалланган ёдгорлик мажмуини босқичма-босқич бунёд этишга қарор қилинди.

Китоб нашр этиш масалаларига келганда, ҳозирнинг ўзидаёқ Алишер Навоий асарлари 20 жилдли тўпламининг дастлабки 6 жилди босмадан чиқди. Навоийнинг энг муҳим асари, ҳиротлик ҳаттот Абдужамил Котиб асл нусхадан бевосита кўчирган «Ҳамса» нашрга тайёрланмоқда. Ўзбек тилида «Навоий қомусномаси» китобини чиқариш юзасидан ишлар бошлаб юборилди. Ғафур Ғулом номли нашриёт эски ўзбек тилида «Ҳазойинул-маоний»нинг юбилей, нашрини тайёрламоқда. Шоир асарлари рус тилида ҳам кўпроқ нашр этилса, хайрли иш бўлур эди.

Э. ТУХВАТУЛЛИНА,
УзТАГ мухбири.

ЯНГИ ҚУРИЛМА

ТОШКЕНТ тўқимачилик ва енгил саноат олийгоҳида ишлаб чиқилган фотометрик қурилма ёрдамида пахта толасининг сифатини бир дақиқа ичида аниқлаши мумкин. Илгари завод лабораториясида бу ишни бажариш учун қарийб бир соат кетарди. Янги қурилма пахта толасидаги барча нуқсонларни тезда топиб, у йигирув ва бошқа қайта ишлаш корхоналарининг талабларига мос келиш ёки келмаслигини аниқлайди. Қурилма ўта сезгирлиги ва жуда аниқ ўлчаши билан ажралиб туради. Янгилик Хўжайли йигирув фабрикасида жорий этилди. Атиги битта шундай қурилмадан фойдаланиш йилига йигирма минг сўмдан кўпроқ пулни тежаш имконини беради.

(ЎзТАГ).

Муаммолар кўп, ечими-чи?

Кейинги йилларда спортнинг баъзи турлари бўйича ўтказилган СССР чемпионати беллашувларини кўриш ўзбекистонлик спорт мухлислари учун у қадар қувончли кечмади. Олий лига мусобақаларида волейболчи, баскетболчи, гандболчиларимиз қатнашиш ҳуқуқидан аллақачон маҳрум бўлишган. Фақат чим устида ўйновчи хоккейчи ва регбичи ёшларнинг бўш келмаётганликларини эътироф этиш даркор. Аммо бу ҳали спортимиздаги ачинарли ҳолга барҳам беролмайди.

Ташвишли ҳолатдан чиқиш учун ишни нимадан бошламоқ керак?

Яқинда спорт ўйинлари жумҳурият олий маҳорат мактабига Хислад Солиҳович Аббосов директор қилиб тайинланди. Баскетбол бўйича спорт устаси, СССР халқлари спартакиадаси қатнашчиси бўлган бу киши ҳақида 50-60 йиллар спорт ишқибозлари ҳалигача фахр билан гапиришади.

Биз Ўзбекистонда спортни ривожлантириш, малакали спортчиларни етиштириш учун қандай чора тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги хусусида Хислад Солиҳович фикри билан қизиқдик.

— Энг аввало томошабинни томошагоҳга қайтармоқ зарур, — дейди у киши. — Ўтган йилги мухлислар тўла спорт иншоотларини ширин хотирлайсан киши. Ушанда улар спортчиларимизни зафарлар сари илҳомлантириб, ғалаба билан доим олқишлаб туришди. Минг надоматлар бўлсинким, командаларимиз ишқибозларнинг ишончини оқлай олишмади. Бугун эса руҳи тушган томошабинларнинг залга қайтиши қийин бўлаяпти.

Мусобақаларга спорт мактаблари тарбияланувчиларини янада кенгроқ жалб этиш кучая бошлади. Томошабин олдида масъулият ҳиссини туймаслик ҳам спортчи учун муваффақият келтирмайди. Мен эса ишни ветеран ўртоқларимдан бошладим. Улар ёшларга фақат сўзда эмас, балки амалда ҳам мададкор бўлишларини истардим.

— Айтганча, Тошкентда баскетбол бўйича ветеранлар клуби ташкил қилингани ҳақида эшитгандим.

— Ҳа, шундай клуб ҳақиқатан ҳам ишлаб турибди. Ҳозирги ветеран спортчилар кимлар дейиш мумкин? Улар муҳандис, тренер, илмий ходим яъни турли касб кишилари. Ветеранлар ҳақида ҳам доимо яхши гаплар айта олмаймиз.

Менинг ниятим: улардан фойдаланиш керак. Кўпчилик буни ҳали англаб етолмаяпти.

Яна бир муаммо, анчадан бери кўпчилик қийнаб келаяпти. Тошкентдек шаҳри азимда спорт ўйинларини тантанали, мароқли қилиб ўтказиш учун катта, қулай жиҳозланган саройлар йўқ. Бу ўзбекистонлик мухлислар хорижий ва мамлакатимизнинг энг яхши командалари ўйинларини кўришга муяссар бўла олмайди дегани-да! Ёшларимизнинг интилиш даражалари ҳам шу тариқа фарқ қилади.

Мана, яқинда волейболчилар машғулотларида бўлдим. Жойлар етишмаслиги оқибатида улар умумтаълим мактаблари залларида нари-дан-бери машғулот ўтказишяпти. Чирчиқ, Фарғона, Наманган шаҳарларига бориб кўринг. Бу ерларда ажойиб заллар мавжуд. Имкониятлар етарли. Лекин нега жумҳуриятимиз маркази бўлган Тошкентда машғулотлар ўтказиш учун яхшироқ жиҳозланган спорт заллари йўқ? Теннис саройлари ҳам етишмайди.

Албатта, муваффақиятлар осонликча қўлга киригилмайди. Йиллар давомида йўл қўйилган хатолар ҳам озмунча эмас. Айниқса, юқорида тилга олинган баскетбол, волейбол, теннис ва бошқа қатор спорт турлари бўйича муаммолар кўп. Уларни бартараф этиш йўлларини излаяпмиз.

М. ЗАЛЬЦБЕРГ.

Футбол янгиликлари

Мамлакат футбол майдонларида ҳар қачонгидан ҳам қизғин баҳс кетаяпти. 13-марта чемпионлик унвонига сазовор бўлган Киев динамочилари ўз сафларида ёш иқтидорли ўйинчиларни синаб кўришмоқда. Куни-кеча терма командамизнинг исроилликлар билан бўлган ўртоқлик учрашувида «Динамо»нинг ёш ҳужумчиси Сергей Юран ўзининг нимага қодирлигини кўрсатди.

«Спартак»нинг Душанбеда «Помир»га йирик ҳисобда (1:5) ютқазиб қўйиши юқоридаги фикримизнинг далилидир. Спартакчилардан ташқари марказий армиячилар, Москва динамочилари ва «Днепр» футболчилари ҳам совринли ўринлар учун курашмоқдалар.

* * *

Марра яқинлашган сари футбол командалари ишқибозларининг ҳаяжони ортмоқда. Анчадан бери мағлубиятга учрамаган «Пахтакор» Ставрополда «Динамо»га (0:1) ютқазиб қўйди. Биз севимли командамизнинг келаси мавсумда олий лигада ўйнашига шубҳамиз йўқ. «Спартак» ўз майдонида ғалаба қозонгач, рақибларидан яна ҳам узоқлашиб кетди. «Металлург» эса иккинчи ўринга чиқиб олди. «Динамо» (Ст) эса навбатдаги ютуқдан сўнг «Шинник» билан ўрин алмашди.

Қолган ўйинлар қуйидагича тугади: «Зенит» — «Таврия» — 0:0, «Нистру» — «Геолог» — 4:1, «Металлург» — «Шинник» 1:1, «Локомотив» НН — «Локомотив» М — 0:2, «Факел» — «Кузбасс» — 4:0, «Ростсельмаш» — «Қайрат» — 2:1, «Спартак» — «Динамо» Сх — 3:2, «Котайк» — «Кубань» — 2:1, «Нефтчи» — «Тирас» — 1:1.

МАРАДОНА ҚАЕРГА КЕТАДИ?

Қизиқ, ҳеч кимнинг хаёлига келмаган янгилик: «Машҳур футболчи Диего Марадона Аргентина терма командаси билан хайрлашишга қатъий қарор қилди...» Нега? Ахир Диегонинг футбол «юлдузи» бўлиб бутун дунёга танилишида шу терма команданинг хизмати катта эмасмиди?

Йўқ, гап бошқа ёқда экан. Тўғриси, унинг ўтган жума куни Буэнос—Айресда хусусий матбуот агентликларидан бирига берган интервьюсига ишонадиган бўлсак, терма командада Италияда ўтган жаҳон чемпионатидан сўнг қаттиқ тортишувлар бошланган. Марадонанинг айтишича, ФИФА президенти Жоао Авеланж, вице-президент ва Аргентина терма командаси раҳбари Хулио Грондонлар билан ички келишмовчилик бўлган. Шунингдек, Авеланж чемпионат тугагач, жуда катта миқдорда пул ишлаган. Яна бир томони, учинчи ўринни олган Италия терма командасига иккинчи ўринни эгаллаган аргентиналикларга қараганда янада кўпроқ пул тўланган. Бошқа сабаблар ҳам бор...

Ҳозирча Диегонинг энг сўнгги қарори (қаерга кетиши) номаълум...

ТВ

17 ОКТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

● ЎзТВI

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Биология. Сунъий танлаш ва табиий танланиш. 12. 00 «Мусиқий сулола». Телефильм. 12.30 Кимё. Оксидланиш — қайтарилиш реакциялари. Электрокимёвий жараёнлар. 13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Фирибгарнинг фириблари ёки бир ерда зир югуриш». Бадиий фильм («Ленфильм»).

* * *

18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Янгиликлар. 18.10 «Қайсар жўжа». Мультфильм. 18.20 «Фанга бағишланган умр». ЎзССЖ ФА мухбир аъзоси А. А. Абдураззоқов. В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат дорилфунунининг 70 йиллиги олдидан. 18.55 «Дала неъматлари — эл дастурхонига». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.45 «Келажагимиз — мактабда». Хоразм вилоятида таълим-тарбия ишлари. 20.30 «Ахборот». 20.50 Мақом кечаси. 21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». 23.00 Ойнаи жаҳонда биринчи марта. «Йўқолсин севги фронтидаги чайқовчилик». Бадиий фильм («Мосфильм»). 00.10 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 «Ҳар бир оила учун». 19.45 «Йилқилар». Телефильм. 20.00 «Тошкент хабарлари». 20.10 «Ғолиб». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

21.30 Москва. «Вақт». 22.00 «Бех аз санноъи олам деҳқон аст». Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.50 «Альбатрос»нинг сўнгги рейси». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус тилида).

● МТ I

7.00 «120 минут». 9.00 «Минотавр ҳузурига ташриф». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 10.15 «Алёнушка ва солдат». Мультфильм. 10.35 «Сўз». Адабий-бадиий программа. 12.35 «Бу бўлган... бўлганди...». 13.00 «Вақт». 13.40 «Пи белгиси билан». Илмий-оммабоп программа саҳифаларида.

* * *

16.15 «Кашфиёт». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Ашхобод). 16.35 «Мусиқий хазина». П. И. Чайковский ва С. Рахманинов романслари СССР халқ артисти Н. Охотников ижросида. 17.15 Болалар учун қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар: «Йўл-йўл юзли» (Белорус телевидениеси), «Дарахт ичкарисидаги олов» (Одесса киностудияси). 18.00 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 19.00 «Вақт». 19.30 «Педагогика ҳақида ўйлар». Александр Мен хотираси. 20.00 «Тайгадаги монолог». Телевизион ҳужжатли фильм (Владивосток). 20.10 «Минотавр ҳузурига ташриф». Беш серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 «Вақт». 22.00 Коллаж. 22.05 «Биргаликда қўшиқ куйлаймиз, дўстлар». 00.10 «ТСН».

● МТ II

9.00 Эрталабки бадан тарбия машқлари.

Ўқув программаси

9. 15 «Вулқонлар мамлакатига». Телевизион ҳужжатли фильм (Владивосток). 9.35, 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. Ҳисоблаш алгоритмлари. 10.05 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Немис тили 2-йил шуғулланаётганлар учун. 11.35, 12.35 Биология. 6-синф. Ўсимликлар ва биз. 12.05 «Бурда моден» таклиф этади... 13. 05 «Аревик». Телевизон бадиий фильм. 1 серия. 14.10 Телевизион ҳужжатли фильмлар премьераси: «Қувонч билан даволаш» (Новосибирск), «Карпат оҳанглари» («Союзтелефильм»). 14.50 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ботқоқликдаги кишилар. Полесье воқеаси». 2-серия.

* * *

17.55 «Аревик». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 19.00 «Вақт» (сурдо таржимаси билан). 19.30 «Сўнгги қўнимгоҳ». Ҳужжатли фильм. 19.30 Гитарачи Массимо Гасбаррона концерти (Италия). 20.25 Коллаж. 20.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Сеҳрли дорихона». 2-қисм. 20.45 Россиянинг ҳужжатли экрани. 22.20 СССР Олий Совети сессиясида. 00.20 «Узоқ Шарқ». Киножурнал. 00.30 Футбол.

Муҳаррир ўринбосари Фаррух РАҲИМОВ.

Ёш ленинчи

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издаётся на узбекском языке

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ 32-УЙ

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ 32-54-65
ИНДЕКС: 64607.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Д. 28595.